

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА РОЗАННА МИРЗАТУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИГА РУСЧА ТЕРМИНОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ
ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Абдуллаева Розанна Мирзатуллаевна

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларига
русча терминологияни ўқитишнинг тармоқ технологиялари..... 3

Абдуллаева Розанна Мирзатуллаевна

Сетевые технологии обучения русской терминологии студентов
медицинских Вузов Республики Узбекистан..... 37

Rozanna Mirzatullaevna Abdullaeva

Network Technologies for Teaching Russian Terminology to Students of
Medical Universities of the Republic of Uzbekistan..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 75

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА РОЗАННА МИРЗАТУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИГА РУСЧА ТЕРМИНОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ
ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Ped200 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Боқиева Гуландом Ҳисомовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Кадирова Фатима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Асилова Гулшан Асадовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Бакиров Поян Уролович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабр соат 12.30 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» декабр кuni тарқатилди.
(2021 йил «6» декабр да 29 рақамли реестр баённомаси).



Д. У. Хошимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси в.б., пед.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

Л.Т. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги глобал ахборот асрида илм-фан ва ишлаб чиқаришда интеграциялашув жараёнининг жадал ривожланиши турли соҳа вакилларининг чет тилида касбий мулоқот юритишларига талаб ва эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида чет тилларни махсус мақсадларда йўналтириб ўқитиш, мутахассисларнинг чет тилидаги касбий-соҳавий коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш масалалари, хусусан, бўлажак мутахассис-тиббий ходимнинг чет тилида касбий лаёқатларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида терминологияни тармоқ технологиялари асосида ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга, хусусан, тиббий ходимларнинг ҳорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини қўллашга доир инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳорижий тилларни ўқитишда тиббий ходимларнинг касбий коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатлари, компетентли ёндашув нуқтаи назаридан педагогларда ҳорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Республикамизда ўрта ва олий тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-услубий материаллари ва назарий машғулотларни янада оптималлаштириш ва уларни тиббиёт фани амалиётининг умумжаҳон ютуқларига мувофиқлаштириш бўйича сўнгги йилларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббий олий таълим муассасалари талабаларининг ҳорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантириш учун зарур моддий-техник шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида «ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, табиий ва аниқ фанлар, ҳорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустақам билимларни шакллантириш»¹ устувор вазифа этиб белгиланди. Бу эса, бўлажак тиббий ходимларни чет тилида, хусусан, рус тилида билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг соҳага оид маълумотларни аслиятда ўқиш, терминларни билиш ва улардан касбий соҳада фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПФ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрельдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ 3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 2 мартдаги ПҚ-6155-сон “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва соғлиғини мустаҳкамлаш йилида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастури тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида чет тилларини ўрганишни ривожлантириш бўйича фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора -тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, ҳамда таълим соҳасида қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Тиббиёт касби нутқини нофилологик ОТМларда ўқитиш муаммолари дунёдаги етакчи илмий марказлар ҳамда ОТМларда тадқиқ қилинади, шу жумладан: University of Birmingham (Буюк Британия), Johns Hopkins University School of Medicine (АҚШ), Poznan University of Medical Sciences (Польша), Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси (Россия), А.С.Пушкин номидаги Давлат рус тили институти (Россия), Россия Халқлар дўстлиги университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Бошқирдистон давлат тиббиёт университети (Россия), Росздравнинг Новосибирск давлат тиббиёт университети (Россия), Гродно давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Миллий фармацевтика университети (Украина), Тошкент давлат тиббиёт академияси (Ўзбекистон) ва бошқалар.

Тиббиётчи-талабаларга улар ўрганаётган хорижий тил тиббий атамаларини ўргатиш муаммолари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида илмий натижаларга эришилган, шу жумладан: тиббий билимларни ва мутахассислик тилини сертификатлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Johns Hopkins University School of Medicine), чет тилларини ўргатишга тиббий ходимлар мутахассислиги тили сифатида яхлит тарзда ёндашув асосланган (University of Birmingham), (Poznan University of

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.pushkin.institute, www.vub.ac.be, www.upf.edu/en/home, www.ralk.info, www.msu.ru, www.ugr.es/en, www.mq.edu.au/, www.uni-konstanz.de/en/, www.uzswlu.uz/, www.universityofcalifornia.edu ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Medical Sciences), тиббиётчи-талабаларни ўз касби доирасида хорижий тилда мулоқот қилишга комплекс коммуникатив-фаолиятли ёндашув асосида ўргатишни методик таъминлаш ишлаб чиқилган (А.С. Пушкин номидаги давлат рус тили институти), тиббиёт таржима (икки тилли) луғати яратишга назарий асослар ишлаб чиқилган (Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси), тиббиёт атамаларининг ўқув ассоциатив луғати (Россия халқлар дўстлиги университети), тиббиёт ОТМлари талабаларининг касбга йўналтирилган лексикасини семантиклаштиришни ўргатишнинг асослари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети), бўлажак шифокорнинг “лисоний шахсияти” очиб берилган (Бошқирдистон давлат тиббиёт университети), тиббиёт ОТМларида хорижий талабаларга мутахассислик тилини ўргатишнинг замонавий стратегиялари ишлаб чиқилган (Росздравнинг Новосибирск давлат тиббиёт университети), тиббиётчи-талабаларга тиббий атамаларни ўргатиш жараёни оптималлаштирилган (Гродно давлат тиббиёт университети), тиббиёт олийгоҳларида рус тилини ўрганаётган хорижий талабаларни ўқитиш предмети сифатидаги тиббий атамаларнинг сўз ясалиши модели очиб берилган (Миллий фармацевтика университети), тиббиётчи- талабалар учун рус тилидан электрон дарслик яратилган (Тошкент тиббиёт академияси).

Жаҳон лингводидактикасида ва хорижий (она тили бўлмаган) тилларни ўргатиш методикасида тиббиётчи-талабаларга тиббиёт атамаларини ўргатиш муаммоларини ўрганишда қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: тиббиёт атамаларини макроатама тизими сифатида асослаш ва уларни номинациянинг динамик назарияси доирасида кўриб чиқиш; тиббиёт атамалари семантизациясининг методик усулларини фарқлаш; тиббий атамаларни мутахассислик тили сифатида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш; нофилологик ОТМ ларда тиббий касб нутқини ўргатишда тил қийинчиликларини бартараф қилиш; таълим технологияларини модернизациялаш; ўқув-методик адабиётнинг янги авлодини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рус тилидаги тиббий атамаларни ўргатиш методикасига Е. И. Пассов, И. Л. Бим, Р. П. Мильруд каби олимларнинг асарларидаги қоидалар асос бўлди. Ўзбек тилида сўзлашувчиларга рус тилидан таълим бериш методикаси асослари Аҳмедова Л. Т.³, Лагай Е. А., Андриянова В. И.⁴, Бакиева Г. Х.⁵, Джусупов М. Д.⁶, Нурманова А. Т.⁷ ва бошқаларнинг асарларида; замонавий технологияларни

³ Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Ташкент: Fan va technology, 2016. – 296 б.

⁴ Андриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устноречевому общению на русском языке: Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 1997. – 350 б.

⁵ Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консонантизма): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1987. – 24 б.

⁶ Джусупов М.Д. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Ташкент: Фан, 1991. – 240 б.

⁷ Нурманов А. Интегративные технологии в процессе подготовки студентов к эффективному общению. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(63). извлечено от https://science.iedu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6257 (2020)

татбиқ қилиш Голиш Л.В.⁸, Жўраев Р.Х.⁹, Ишмухамедова Р.¹⁰ тадқиқотларида, олинган билимларни амалиётда татбиқ қилиш масалалари эса Жалолова Ж.Ж.¹¹, Муслимова Н.А.¹², Усмонбоева М.¹³ изланишларида; таълимнинг инновацион услублари ва педагогик маҳорат масалалари Азизхўжаева Н.Н.¹⁴, Сайдахмедова Н.С.¹⁵, асарларида ишлаб чиқилган.

Нофилологик ОТМларда тиббий касб нутқини ўргатишнинг лингводидактик ва методик муаммолари Балихина Т. М., Гапочка И. К., Куриленко В.Б., Мотина Е.И., Борисенков В.П., Акишина А.А., Вишняков С.А., Дейкина А.Д., Дьякова В.Н. ва бошқа олимларнинг асарларида тадқиқ қилинган.

Тиббиёт ОТМларида ҳорижий тил тиббий атамаларини ўргатиш бўйича тадқиқотлар бўлажак тиббий ходимларнинг касбий билимдонлигини шакллантириш, методик таъминлаш, шунингдек, касбий нутқни моделлаштириш масалаларига бағишланган.

Хусусан, Д.Д.Дмитриева, О.Л.Королева, Е.В.Орлова, Е.Е.Орлова ва бошқаларнинг асарлари тиббий олийгоҳларда рус тилини ўқитишга касбга йўналтирилган тарзда ёндашувга бағишланган. Бўлажак тиббий ходимларга ҳорижий тилларни ўргатиш жараёнига инновацион технологияларни жорий қилиш масалалари О. А. Гаврилюк, Г. В. Юрчук, Е. О. Петрова, Е. В. Смирнова ва бошқаларнинг асарларида ёритилган.

Э.Г.Азимов, М.А.Бовтенко, Л.К.Гейхман, Л.А.Дунаева, Е.И.Дмитриева, О.П.Крюкова, А.Л.Назаренко, Е.С.Полат, О.И.Руденко-Моргун, Д.Сьюзел, Д.Ротерей ва бошқаларнинг асарларида ҳорижий тилларни масофадан ўргатиш воситалари ва технологияларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг назарияси ва амалиёти кўриб чиқилган.

Тадқиқ қилинаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар шарҳига кўра, тиббиёт ОТМларида рус тилидаги тиббий атамаларини ўргатиш касбга доир атамалар лексикасини ўрганишдан иборатдир. Натижада талабаларнинг келажак шифокорлик амалиётида касбга оид мулоқоти учун зарур бўлган муомала кўникмалари шаклланади. Бироқ рус тилидаги тиббий атамаларни тармоқ технологиялари воситасида ўргатиш соҳаси кам ўрганилган.

⁸ Голиш Л.В., Хашимова Д.П. Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш.- Тошкент:ТДИУ, Иқтисодиёт.2013

⁹ Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации и системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования. : Автореф. дисс. ...докт. пед. наук. – Санкт-Петербург, 1995, 196

¹⁰ Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагогик-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). Тошкент: Истеъдод, 2008

¹¹ Жалолов Ж.Ж. Интерференция в методике обучения неродному языку. // Иностранные языки в Узбекистане: Науч.-метод. электронный журнал, № 5/6 (19), 2017. – 89-93б.

¹² Муслимов Н. А., Кадыров Х. Ш. Формирование профессиональной компетенции будущих педагогов на основе применения информационных и педагогических технологий. Вестник Ленинградского государственного университета им. А. С. Пушкина. 2011. 130б.

¹³ Усманбаева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография.- Т.: «Фан», 2005. - 206 б.;

¹⁴ Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Учебное пособие. Ташкент: Издательско-полиграфический творческий дом имени Чулпана, 2005. — 200 б.

¹⁵ Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003, 36б.

Шунга кўра, ҳам миллий, ҳам хориж педагогика илмида тиббиётчи-талабаларга рус тилидаги тиббиёт атамаларини тармоқ технологиялари воситасида ўргатиш муаммоси ҳар томонлама лингводидактик ва методик ёритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига рус тилидаги атамаларни ўргатишда тармоқ технологияларини қўллашнинг услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилини ўргатишнинг назарий зарурати заминини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан асослаш;

рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатишнинг лингводидактик асосларини аниқлаш ва баён қилиш;

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги атамаларни ўргатиш, Ўзбекистон Республикаси ўқув-меъёрий ҳужжатларидаги русча тиббиёт атамаларини ўргатиш мазмунига бўлган талабларни таҳлил қилиш ва уларни баён қилиш;

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатиш учун вазифа ва машқлар типологиясини ишлаб чиқиш;

рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатишда тармоқ технологияларининг дидактик имкониятларини очиб бериш;

рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатишнинг тамойилларини баён қилиш;

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги атамаларни тармоқ технологиялари воситасида ўргатиш методик тизимининг моделини ишлаб чиқиш;

рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатишда тармоқ технологияларини қўллаш методикасининг самарадорлигини тажрибада синаб кўриш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги атамаларни ўргатиш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги атамаларни ўргатишда тармоқ технологияларини қўллашнинг методик тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув усули, лингвистик баён усули, тажриба-синов усули, математик-статистик таҳлил усули, прогноз усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

тиббиёт ОТМларида рус тилини ўқитишда касбга йўналтирилган таълим дастури ва услубий таъминоти булутли технологиялар, ижтимоий ва лойиха тармоқлари, веб-квест, блоглар, веб-сайтлар, телеконференциялар, мобил иловалар, электрон манзил ва кутубхоналар каби тармоқли ахборот маконини реал мулоқот муҳити сифатида яратиш асосида такомиллаштирилган;

чет тили фонетик компетенциясини ривожлантиришда бўлажак тиббиёт мутахассисларининг турли тизимли тиллардаги фонетик ва просодик кўникмаларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш усуллари, талаффуз хатоларининг сабаблари ва типологиясини аниқлаш орқали талабаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг лингводидактик таъминоти такомиллаштирилган;

тиббиёт талабаларига рус тиббиёт терминологиясини ўқитиш бўйича машқ ва топшириқлар типологияси тиббий атамаларнинг маъносини ўзлаштириш, терминларнинг товуш ва график шаклини ўзлаштириш, терминларнинг парадигматик-синтагматик хусусиятларини ўрганиш, терминларнинг услубий хусусиятлари, тиббий атамалардан фойдаланишда нутқ маданияти ва тиббий этикетни ривожлантириш ва такомиллаштириш каби мезонлар асосида такомиллаштирилган;

ўзбек талабаларининг рус терминологиясини ўзлаштиришдаги интерференцион қийинчиликлари терминларнинг ўзаро синтагматик муносабатлари, тилларнинг грамматик тузилишидаги типологик фарқлари, валентлик ва полисемантик хусусиятлари каби аспектларда намоён бўлиши далилланган;

тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун “Ўқув ахбороти ва компьютер муҳити”, “Тармоқли таълим шакли ва натижаларини белгиловчи омиллар” ва “Тармоқли таълимни ташкил этиш ва ўтказишнинг педагогик шарт-шароитлари” каби блокларни ўз ичига олган рус тили тиббий терминологиясини тармоқли ўқитиш методик тизимининг дидактик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рус тилининг тиббий атамаларини ўргатишнинг лингводидактик асослари аниқланган ва баён этилган;

тиббиётчи-талабаларга рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатиш бўйича вазифа ва машқлар турлари такдим этилган;

тиббиётчи-талабаларга рус тилидаги тиббиёт атамаларини тармоқлаб ўргатиш самарадорлигининг шarti бўлган педагогик шароитлар аниқланган;

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги тиббий атамаларни тармоқ технологиялари воситасида ўргатиш методик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий негиз, тадқиқот методологияси ва методикаси, янги муаммолар қўйилиши, янги вазифалар ечилиши, шунингдек, олиб борилган тадқиқот натижаларининг диссертация ишининг назарий қоидаларига мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ОТМларида рус тилини касбга йўналтириб ўргатиш муаммоларини назарий

англаш, тиббиётчи-талабаларга рус тилидаги атамаларни ўргатиш бўйича машқ ва вазифалар типологиясини ишлаб чиқиш; рус тилидаги тиббиёт атамаларини тармоқ технологиялари воситасида ўргатиш тамойилларини баён қилиш; рус тилидаги тиббиёт атамаларини тармоқли ўргатишнинг педагогик шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баён қилиш; тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги тиббий атамаларни тармоқ технологиялари воситасида ўргатишни назарий жиҳатдан асослаш ва унинг методик тизими моделини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва материалларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришда, рус тилининг амалий курсида, махсус курслар олиб боришда, умумий тилшунослик ва рус тилшунослиги, услубият, бадий матннинг лингвистик таҳлили, нутқ маданияти, рус тили ўргатиш методикаси фанларидан дарс ўтишда, диссертация ишлари, монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиш, махсус луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги атамаларни ўргатишда тармоқ технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

тиббиёт ОТМлари талабаларининг лисоний шахсияти ва касбий билимдонлигини рус тилида шакллантириш, курсни мутахассислик фанлари билан мувофиқлаштириш, тилни ижтимоий-маданий контекстда қўллаш каби устувор омилларни шакллантиришга қаратилган тиббиёт ОТМларида рус тилини касбга йўналтириб ўқитишнинг дидактик таъминотида оид хулоса ва тавсиялардан Тошкент Тиббиёт Академиясининг 21-аср шифокори тарбияси: Европа Иттифоқининг Эрасмус плус таълим дастури гранти доирасида амалга оширилган беморга йўналтирилган мулоқотни ўргатиш) номли лойиҳа доирасида фойдаланилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2021 йил 25 мартдаги 03-936-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида амалга оширилган стратегиялар мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилган;

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги тиббиёт атамаларини тармоқлаб ўргатишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик шароитларни ташкил қилиш ҳамда нофилологик таълим йўналишларида соҳавий чет тилини ўқитишнинг махсус мақсадларга йўналтирилган касбий лингводидактик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялардан Тошкент Тиббиёт Академияси ва Сеченов университети ҳамкорлигида яратилган «Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университетининг университетлараро ҳамкорлик марказини ташкил этиш» номли халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2021 йил 25 мартдаги 03-936-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа мазмуни доирасига нофилологик таълим йўналишларида соҳавий чет тилини ўқитишнинг махсус мақсадларга йўналтирилган касбий лингводидактик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар киритилган;

тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўзлаштиришга, уларнинг товуш ва график шакллари эслаб қолишга, парадигматик-синтагматик ва услубий хусусиятларини ўрганишга, тиббиёт атамаларини қўллашда нутқ маданияти ва тиббий одобни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган машқ ва топшириқлар типологиясига оид хулосалардан “Русский язык” (Рус тили) дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-186-сон гувоҳномаси). Натижада дарсликнинг мазмуни ҳақидаги тиббий атамаларнинг парадигматик-синтагматик хусусиятлари, тиббиёт атамаларини қўллашда нутқ маданияти ва тиббий одобни ривожлантиришга хизмат қилувчи материаллар билан бойитилган;

тиббий олийгоҳларнинг барча йўналишлари талабалари учун рус тилидан барча ўқув модуллари бўйича дарслик ва ўқув дастурини тузишда, тиббиёт ОТМлари талабаларига рус тилидаги тиббиёт атамаларини компьютер-ахборот таълими асосида муайян педагогик шароит яратиш орқали тармоқли ўқитиш методик тизимининг модели ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни ривожлантириш Марказининг 2021 йил 5 апрелдаги РМ 11-21-сон маълумотномаси). Натижада, шакллантирилган модуллар мазмуни янги илғор педагогик технологияларга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар орқали бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациядаги асосий мавзулар, хулоса ва тавсиялар ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари ва докторантларининг ҳар йилги илмий-назарий конференциялари, 16 та Республика ва 5 та халқаро илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида 44 та иш, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, шулардан 5 та мақола хорижий илмий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 230 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, муаммонинг қанчалик ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти ёритилган, усуллари, унинг илмий жиҳатдан янгилиги, амалий моҳияти асослаб берилган, амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Тиббиёт ОТМ талабаларига рус тилини ўқитишнинг назарий шарт-шароитлари”** деб номланган биринчи бобида

нофилологик ОТМларда ажнабий/хорижий тилни ўқитишга касбга йўналтириш ёндашуви муаммолари кўриб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ОТМларида тил ўқитиш парадигмасида рус тилини ўқитиш асослари ўрганилган.

Республика нофилологик ОТМларида ажнабий-хорижий тилни ўқитишдаги устувор йўналишлардан бири таълимга муайян касбни назарда тутиб ёндашиш усулини қўллашдир. Бу усул талабаларнинг ўрганилаётган тилни эгаллашдаги касбий эҳтиёжини эътиборга олиш имконини беради ва уларда бўлажак мутахассисларнинг асосий билимлари соҳасидаги хорижий тилда касб-малака кўникмасини муваффақиятли шакллантиришга йўл очади.

Ушбу диссертацияда биз касбий компетентлик деганда таълим даргоҳини битириб чиқувчининг ўз ихтисоси соҳасида касбий-коммуникатив ва маънавий-шахсий хусусиятларини шакллантириш ҳисобига ўз ихтисоси соҳасида малакали фаолият юрита олиш қобилиятини назарда тутамиз.

Таълимга касб эътибори билан ёндашиш мураккаб педагогик ҳодиса бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш учун “талабаларга бошланғич тил таълимини бериш, талаба олдига муҳим мақсадларни қўя билиш, мустақил ишлаш учун барқарор ва мустаҳкам оқилона кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда ажнабий-хорижий тилдаги билимларни эгаллашга мунтазам ёндашиш маҳоратини ўргатиш”¹⁶ зарур бўлади.

Ажнабий-хорижий тилларни касбга мўлжаллаб ўқитиш илмий-услубий адабиётда “талабаларнинг келгусидаги касб ёки ихтисос хусусиятлари талаб қиладиган даражада чет тилини ўрганиш эҳтиёжи асосида ўқитиш” деб талқин этилади, бу эса “талабаларнинг турли кўникма ва маҳоратларни эгаллашини, чунончи касбга йўналтирилган тилни эгаллаш билан бирга шахсий сифатларни ривожлантиришни, тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишни, ўз касбий фаолияти соҳасидаги махсус мақсадлар учун хорижий тилдан фойдалана олишни”¹⁷ ўз ичига олади.

Таълим-тарбия шароитлари ажнабий/хорижий тилни касбга мослаб ўқитиш моделини тўлақонли амалга ошириш имконини беради, бу эса қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- 1) мақсадли (хорижий тилни касбга мослаб ўқитиш мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш) ;
- 2) мотивацияли (хорижий тилни ўрганиш эҳтиёжи мавжудлиги);
- 3) мазмундор (ўргатиладиган материалнинг мазмун-мундарижасини танлаш);
- 4) жараёнга оид (ўқитишнинг операцион-технологик, фаолият-эҳтиёж, интегратив-креатив (босқичлари)¹⁸) ;

¹⁶ Усанова О.Г. Рус тилини хорижий тил сифатида ўқитиш услубида касбий йўналтирилган ёндашув //Linguamobilis, № 1(54),2016.– Б. 45.

¹⁷ Вдовиченко Л.В., Костюнина М.В. ОТМда чет тилларини касбий йўналтирилган ўқитишнинг узлуксизлиги // Тилшунослик ва педагогика муаммолари, №2(12), 2015.–Б.98.

¹⁸ Батафсил: Санникова Р.И. Педагогик нолингвистик мутахассислик талабаларига чет тилини касбий йўналтирилган ҳолда ўқитиш учун педагогик шароитлар.: Педагогика фанл. номз. диссерт. автореф. ...– Белгород, 2006. – Б. 8.

5) назорат-баҳолаш¹⁹ (ўқитиш жараёни боришини назорат қилиш ва натижаларни баҳолаш).

Ўзбекистон Республикаси шароитида тиббиёт ходимининг кундалик фаолияти жараёнида рус тили унинг касбий нутқи таркибий қисми ҳисобланади, модомики шундай экан, мазкур тилни республика тиббий таълим муассасаларидаги ихтисос тили сифатида ўқитишнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш муаммоси тилларни ўқитишнинг лингводидактика ва услубияти соҳасидаги илмий изланишлар учун доимо энг эҳтиёжманд ва долзарб мавзулар марказида бўлаверади .

Ажнабий ёки ҳорижий тил сифатида рус тилида сўзлашувчи талабаларнинг тили сифатида рус тилини ўқитиш хусусида қуйидагиларни кайд этиш лозим:

1) филолог бўлмаган талабалар учун рус тили шунчаки мақсаддан кўра касбий таълим воситасидир, бу эса рус муаллимларини рус тилини ўқитиш жараёнида талабанинг бўлажак ихтисосини имкон қадар эътиборга олишга мажбур қилади;

2) филолог бўлмаган ҳорижий талаба ўзининг келажакдаги ихтисосини (касбий, бошқача иборада - конвенциал компетенцияни) эгаллаш билан бирга ўзи учун она тили бўлмаган рус тилида зарур билимлар, кўникмалар ва маҳоратни ҳам эгаллайди, гарчи ҳали коммуникатив компетенцияга эга бўлмаса ҳам.²⁰

Бу гап Ўзбекистон Республикасидаги тиббиёт ОТМ талабаларининг ихтисос тили бўлмиш рус тилида таълим олишларига ҳам батамом тааллуқлидир.

Ўзбекистондаги тил таълими жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таълим олувчиларга маҳаллий халқнинг кўп асрлик тарихий анъаналари ва урф-одатлари асосида вужудга келган миллий мафкура, маънавий- ахлоқий қадриятлар, анъана ва расм-русумларни тил воситасида сингдиришга асослангандир. Табиийки, ҳорижий тилларни ўқитиш жараёнида тиллар ўзаро муносабатга киришади, мазкур тиллардаги маданиятларнинг қоришуви содир бўлади, ёш авлоднинг ахборот-тарбиявий маконига ёт ғоялар сингиши мумкин. Шу аснода республикадаги тил таълимоти олдида ёш авлод онгини йўлдан оздирувчи, адаштирувчи ахборотдан ихота қилиш масаласи турибди.

Тиббиётчи талабаларга рус тилини ўқитишда профессионал тиббий фаолият соҳасида самарали мулоқотни таъминлаш мақсади кўзда тутилади. Бунда талабаларнинг келгусидаги ҳаёт фаолиятида ўқув – илм-фан, касб-кор, ижтимоий-маданий соҳаларда рус тилидаги билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини эгаллашларига кўпроқ аҳамият берилади.

¹⁹ Батафсил : Нурутдинова А.Р., Романова Г.В. Муҳандислик ОТМда чет тилини касбий йўналтирилган ўқитиш моделлари ва тузилиши // Қозон технологик университети, № 10, 2014. 17-сон – Б. 289-291.

²⁰ Константинова, Л. А. Филолог бўлмаган чет эллик талабаларга рус тилини ўқитишнинг ўзига хослиги / Л. А. Константинова, О. Д. Митрофанова // Замоनावий Россиядаги тил ва маданий жараёнларнинг динамикаси: “Замоनावий мактабдаги рус тили” номли I- Педагогик форум доирасида ўтказилган РРТАЎЖ IV Конгресси материаллари (Сочи, 1 2 ноябр, 2014 йил) / Редкол.: К.А. Рогова, Г. М. Васильева ва бошқ. В 4 т.Т. 4. – СПб.: « РРТАЎЖ », 2014. – Б. 77.

Бевосита касб-кор фаолиятида рус тилидан фойдаланиш кўникмалари ва маҳоратини камол топтирган тақдирдагина тиббиёт ОТМ талабаларининг рус тилини мазкур соҳада қандай қўллаши намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда ахборот-компьютер технологиялари ривожланиб бораётганлиги муносабати билан хилма-хил ўқув ва касб-кор адабиётидан фойдаланиш учун кенг имконият очилганлиги туфайли Ўзбекистон тиббиёт ОТМларида таълим олувчиларнинг ўзларида рус тилини ўрганишга эҳтиёж ва талаб тобора кучайиб бораётганлиги ҳам бу тилни ўргатиш келгусидаги касб фаолиятида асқотиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Рус тилини ўқитиш соҳасида баъзи бир муаммолар ҳам сезилиб қолмоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ОТМларида рус тилини ўқитиш муаммолари



Талабаларнинг рус тилини ўрганишга қизиқиши муаммоси



Талабаларнинг етарлича англамасликлари муаммоси



Дарс соатларининг етарли эмаслиги муаммоси



Дарслик ва ўқув қўлланмалари етишмаслиги муаммоси



Рус тили ўқитувчилари талабалар касбий фаолияти соҳасини билмаслиги муаммоси



Ўқув дарсларининг бир-бирига номувофиқлиги муаммоси



Баён этиладиган назарияларнинг мураккаблиги

Юқорида баён этилган ва шунга ўхшаш муаммолар тиббиёт ОТМларига ҳам тааллуққидир. “Фан ва техниканинг жадал ривожланиши, илм-фан тезкор янгиланиб бораётганлиги аввало тиббиёт ОТМлари талабаларида ижодий қобилият ва клиник тафаккур”²¹, шу жумладан рус тилини билиш ҳам ошиб боришига кўмаклашувчи энг самарали ёндашувларни излашни талаб қилади.

Диссертациянинг “Русча тиббиёт атамаларининг мазмуний жиҳати” деб аталган иккинчи бобида рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатишнинг лингвистик асослари белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси ўқув-меъёрий ҳужжатларида рус тилидаги тиббий атамаларни ўргатиш мазмунига қўйиладиган талаблар таҳлил этилади, тиббиётчи талабаларга русча тиббий

²¹ Лобанов В.А. “Янги ФДТС талабларидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт университетида “Чет тили” фанини ўқитишнинг хусусиятлари // Глобаллашув шароитида нолингвистик ва техник университетларида тилларни ўқитишнинг кўп босқичли тизими: Халқаро иштирок билан илмий-амалий конференция материаллари / Н.К. Иванова туз.– Иваново, 2012. – Б. 67.

атамаларни ўргатиш учун топшириқ ва машқларнинг махсус типологияси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон шароитида ҳар томонлама камол топган ва билимдон мутахассисни, жумладан, тиббиёт ходимини вояга етказишда, унинг коммуникатив кўникмаларини ва билимдонлик билан муомала қила олишини ривожлантиришда рус забонли муҳитда моҳирона фаолият юритиши учун рус тилини мукамал эгаллаган бўлиши алоҳида аҳамиятлидир.

Тиббиёт ОТМларида она тили бўлмаган рус тилини ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Чунончи бу иш русийзабон ўқитувчининг тиббиёт ҳақида дарсликда баён этилган базавий тушунча ва тасаввурларни билишини назарда тутди.

Одатга кўра, таълим жараёнида тиббий тушунчалар ва атамалар бевосита таржима йўли билан ўргатилади, аммо бу тартиб кутилган натижани бермаслиги мумкин, “агар рус тилини ўрганувчи ажнабий талабалар лексиканинг ўзига хослиги туфайли асосий маънони ифодаладиган ибораларнинг ўзига хослиги сабабли эквивалент сўзларнинг маъноларидаги тафовутлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаса. Агар ўқитувчи материалнинг лингвистик хусусиятларини (қайси атаманинг қайси маъноларда ишлатилишидаги тафовутларни) билса ва муайян атамани ўз ўрнида ишлата олса, амалиётда хатога йўл қўймайди. Атамаларнинг оқилона таржима қилиниши сўзларнинг ўринли ишлатилишига йўл очади. Оқилона фикрловчи мутахассисгина матндаги атамалар, иборалар, мураккаб жумлаларнинг маъносини тўғри тушунтириб бера олиши мумкин”, бунинг учун эса муайян атамалар вазиятга қараб тўғри талқин этилиши зарур²² бўлади.

Бизнинг фикримизча, тиббий атамаларни ўзлаштиришда учрайдиган қийинчиликларни ҳисобга олиб, таълим жараёнида рўй бериши мумкин бўлган атамаларнинг тушунарли бўлиши ва такрорланиб туриши принципларига риоя қилган ҳолда рус тилидаги тиббий атамалар босқичма-босқич ва оз-оздан ўргатиб борилиши лозим.

Тиббий атамаларнинг тадқиқоти уларнинг семантик хоссаларини аниқлаш ва баён этишга қаратилиши лозим, улар ўзбек тилидаги ўхшаш маънолардан фарқ қилиши табиий. “Ихтисос тилини ўргатишда айти шу ҳолатга эътибор қаратиш айтиқса муҳимдир. Зеро айти шу тил бўлажак мутахассисни шакллантиради, шу сабабли уни эгаллаш талабанинг биринчи галдаги вазифасидир. Лексикани ўргатишдан мақсад талаба онгида рус сўзининг том маъносини, яъни тил билимдони назаридаги моҳиятини шакллантиришдан иборат, бу эса ўз навбатида талабанинг ўрганилаётган ихтисосдаги тушунчани эгаллаб олганини билдиради”.²³

Тиббиёт атамалари табиий фанларнинг бошқа тармоқлари атамаларидан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эгадир, чунончи:

1) умуман ва хусусан рус тилидаги тиббий атамаларнинг асосий қатлами юнон (грек), латин ва инглиз тилларидан олинган;

²² Мотина Е.И. Тил ва мутахассислик: филолог бўлмаган талабалар учун рус тилини ўқитишнинг лингво-услубий асослари. – М.: Рус тили, 2002. – Б.89. 167.

²³ Ўша жойда. –Б. 9.

2) тиббиёт атамалари кўпроқ лотин тилига асосланувчи байналмилал атамаларга асосланади;

3) тиббиёт атамаларнинг аксарияти юқори даражадаги сабаб-оқибатга ишора қилади ва бу ақлий жиҳатдан тушунарли ҳисобланади;

4) тиббиёт атамалари эпонимик атамалар (эпоним - грекча *eponymos* - ном берувчи, бирон нарсага ўз номини берувчи сўздан ясалган) ҳисобига келиб чиқади”²⁴

Тиббиёт атамалари ўз тузилиши жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, ҳам тиббиёт, ҳам унга яқин атамаларни ўз ичига олади, уларнинг сони бир неча юз мингга ташкил этади. Тиббий атамаларнинг кўплиги бир неча сабаблар билан изоҳланади, авало у шифокорлик тажрибасининг жараёнлари жуда мураккаблигидан келиб чиқади. Масалан, терапия, жарроҳлик, акушерлик ва гинекология, педиатрия, стоматология ва ҳоказолар сингари клиника борасидаги тиббий атамаларнинг кўплиги махсус тушунчалар (касаллик белгилари-нишонлари); синдромлар; касалликларнинг нозологик шакллари сони ва турлари; жарроҳлик амалиётларининг номлари; кузатиш ва даволаш усулларининг номлари; тиббиёт асбоблари ва шу кабиларнинг номларини ифодаловчи бошқа шу тариха махсус тушунчаларни айтиб ўтиш кифоя.

Тиббиётчи талабаларга хорижий тил сифатида рус тилида дарс ўтиш жараёнида тиббий атамаларни ўргатишда муайян қийинчиликлар бор. Бунинг сабаби шуки, ҳозирги вақтда илм-фан, шу жумладан тиббиёт фанининг барча тармоқлари жадал ривожланиб бораётганлиги муносабати билан янги-янги атамалар, айниқса тиббий тушунчалар, атамалар кўпайиб бормоқда, шу билан бирга тиббиётнинг янги тармоқлари, уларни ўрганишнинг янги йўналишлари ва янги ёндашувлари пайдо бўлмоқдаки, бу ҳам янгиликларни билдирувчи янги тиббий атамалар, масалан, беморларни махсус асбоблар билан текширишнинг янги усулларини, ташҳис қўйиш ва даволаш услубларини, шошилиш даволаш, жарроҳлик амалиётлари олиб бориш ва шу кабиларнинг янги усулларини ифодаловчи атамалар пайдо бўлишига олиб борапти.

Тиббиётчи талабаларга хорижий тил сифатида рус тилини ўқитиш жараёнида тиббий атамаларни ўргатишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тиббиёт, хусусан клиник атамаларда нозологик шаклларнинг русча номлари билан бир қаторда уларнинг лотинча эквивалентлари, масалан, грыжа (*hernia*), перелом (*fractura*), рак (*carcinoma, cancer*), тиф брюшной (*typhusa bdomina-Hs*) ва шу кабилар ишлатилаётгани, бу ҳол “рус тилида ва бошқа тилларда ҳам тиббий атамалар тартибга солинмаганлиги илмий ахборот алмашинувида, унга машинада ишлов беришда жиддий тўсиқ бўлиб турибди, тиббиёт адабиётидаги адекват илмий таржимада катта қийинчиликка сабаб бўлмоқда”²⁵ кейинги вақтда жамиятнинг ахборотлашуви ва глобаллашуви билан бирга тиббий атамаларда инглизча сўзлар кенг тарқалмоқда.

Тиббий атамалар кўпсонли эканлиги ва кўп соҳаларни ўз ичига олиши сабабли тиббиётчи талабаларга ажнабий (она тили бўлмаган) рус тилини

²⁴ <https://www.kazedu.kz/referat/154527/2>.

²⁵ <http://biofile.ru/bio/5564.html>.

ўқитиш жараёнида тиббиёт атамаларини ўргатишдаги қийинчиликлар уларнинг турланишини ҳисобга олган ҳолда мазкур атамаларни ўқитишни муайян даражада соқит қилиш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Тиббиёт ОТМлари талабаларига ажнабий тил сифатидаги рус тилидан дарс бериш жараёнида тиббий атамаларни ўқитишнинг лингводидактик асосларини кўриб чиқдик. Юқорида баён этилган фикрларни яқунлаб хорижий тил сифатида рус тили воситасида тиббиётчи талабаларга тиббий атамаларни ўқитишга таъсир қилувчи асосий ҳолатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) тиббиёт ОТМларидаги талабалар рус тилини рус тилли муҳитда касб-кор фаолиятини юритиш учун ўрганади;

2) тиббиёт ОТМларидаги талабаларга тиббиёт атамалари ўқитилишининг касб-корга йўналтирилганлиги; тиббиёт ОТМларида талабаларга ажнабий тил сифатида рус тилининг ўқитилиши тиббиёт атамаларининг касб-кор талабаларига жавоб бериши уларнинг тиббиёт тўғрисидаги асосий русча предмет тушунчалари ва тасаввурларни таълим материалида баён этилгандек эгаллаб олишларига имкон беради;

3) она тили бўлмаган рус тили ёрдамида тиббиётчи талабаларга тиббий атамаларни самарали ўргатиш учун мазкур атамалардан даволаш жараёнида фойдаланиш учун зарур вазият бўлиши лозим;

4) зарур вазият тил материали билан ишлаш орқали таъминланади, бу материал тиббиёт касби тилидаги лексика ва синтактика бирликларини; тиббиёт фани асосий атамалар аппаратининг зарур минимумини ўз ичига олувчи русча тиббий атамаларнинг ўқув сўзлигини; рус тилининг асосий лисоний хусусиятлари тўғрисидаги билимларни эгаллаш имконини берадиган рус тилидаги асосий тушунчаларни ўз ичига олади;

5) рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатиш, ёдлашга осон тарзда ва таълимдаги давомийлик асосида, тиббий атамаларни ўзлаштиришда рўй берадиган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим;

6) тил ўргатиш материали рус тили таълимининг мазмуни, усуллари ва воситаларига мувофиқ равишда танлаб олиниши керак, таълимнинг дидактик мақсад ва вазифалари, таълим босқичи, тиббиётчи талабаларнинг зеҳни ва идрок қобилияти, ўқитувчининг лингводидактик фаолияти ана шуларни тақозо этади;

7) ажнабий рус тилида тиббиётчи талабаларга дарс бериш жараёнида тиббиёт атамаларини ўргатиш мазкур атамаларни уларнинг семантик хусусиятларини, уларнинг маъноси ўзбек тилидаги ўхшаш сўзларга нақадар ўхшаш-ўхшамаслигини аниқлаб, тушунтириб беришга алоҳида аҳамият бериш лозим;

8) тиббиёт ОТМлари талабаларига хорижий тил сифатида рус тилидан дарс беришда тиббий атамаларнинг кўплиги, уларнинг тиббиётдаги турли тармоқларни қўллаш нисбати, тиббий атамаларнинг лексик-тематик, морфологик-синтактик ва прагматик белгиларига мувофиқлиги асос қилиб талабаларнинг ўқиши, талаффузи, сўзлаши ва ёзуви соҳасидаги қобилият ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар мувофиқлигига қараб (2-жадвалга

қаранг), бўлажак тиббиёт ходимларининг рус тилидаги нутқий фаолиятининг барча турлари комплекс ўрганганлигига қараб, уларнинг қандай гапириши қобилиятини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2-жадвал

“Рус тили” ўқув дастурига биноан талабаларнинг маҳорат ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Ўқиш	турли услубдаги янги матнларни (қисман луғатга таяниб) ўқиш;
	ўқилган материалдан белгиланган мазмундаги ахборотни танлаб олиб, уни қўйилган талабга мувофиқ идрок этиш;
	матннинг мантиқий боғланишини эркин тушуниб, ўқилган матн бўйича режа, тезис, изоҳ тузиш;
	ўқилган матнларни уларда баён этилган ахборот, таклиф этилган тажриба ёки амалий маълумотлар, турли олимлар айтган фикрлар ва шу кабилар асосида бир-бирига таққослаш
Эшитиш	мулоқотда (касб ва бошқа соҳалардаги фикрлар юзасидан) қатнашиб, нутқларни тинглаб, уларга ўз фикрини билдириш;
	Тинглаш давомида олинган ахборотни идрок этиб, шу асосда режа, чизмалар, суратлар ва шу кабиларни тузиш ;
	Таклиф этилган топшириқ ёки амалий вазифаларга биноан тушган ахборот оқимини саралаш ;
Гапириш	Ўқилган, эшитилганлари мазмунини зарур сўзлар, чизмалар, жадваллар ва бошқа кўрсаткичлар воситасида баён эта билиш;
	таклиф этилган мавзу ва таянч сўзлар бўйича ўз фикрларини тахминлашни билиш;
	Таклиф этилган мавзу ва зарур сўзлар бўйича ўз фикрларини тахминан баён эта билиш;
	баён этиладиган фикрни монолог тарзида сўзлай билиш;
	Ахборотни лўнда ва батафсил баён эта билиш;
	ўз мулоҳазаларини далиллаш, тегишли далил ва инкорни айтиш;
	ихтисосга оид (тиббий-биологик ёки илмий тиббиёт соҳасидаги) адабиётни шарҳлаш, қисқа баён этиш, хулосалай билиш;
	таклиф этилган одатдаги вазият доирасида мунозара, касбий суҳбат ва фикрлашув ўтказиш, ижтимоий-маиший ва жамоатга тегишли соҳаларда мулоқот қилиш;
	бемор билан савол-жавоб ва шифокорнинг саволлари бўйича диалог тузиш (касаллик тарихи материаллари).
Ёзиш	берилган матн мазмунига оид тушунча, режа ва тезислар ёза билиш;
	ахборот матнини рус тилидан она тилига ва она тилидан рус тилига услубий жиҳатдан холисона таржима қила билиш.

Буни ҳозирги дунёдаги таълим парадигмаларининг алоқа фаолияти ва касбий йўналиши талаб қилади.

Таҳлил этилаётган ўқув дастурига биноан олий тиббий таълим муассасалари талабаларига рус тилини ўқитишдаги ўзига хос хусусиятлар шундан иборатдирки, мазкур таълим “Тиббиёт тарихи”, “Одам анатомияси”, “Микробиология”, “Гистология”, “Стоматология (даволаш, жарроҳлик, болалар стоматологияси)”, “Ички касалликлар пропедевтикаси”²⁶ сингари профил ўқув фанларига асосланади, бу ҳам ўқув материални танлаш ва ўқитиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

“Рус тили” ўқув дастурида “Ахборот беришнинг энг янги восита ва усуллари жорий этиш – таълим жараёнига янги компьютер ва ахборот технологияларини жорий этиш”, жумладан, “анъанавий таълим воситалари (дарслик, мультимедиа проектори) билан бирга график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологияларини қўллаш кўзда тутилган”.²⁷ Бинобарин, таълимни замонавий компьютер технологияларининг бир тури бўлмиш тармоқ технологиялари асосида ҳам юритиш мумкин. “Рус тили” ўқув дастурининг асосий қисми талабаларнинг маҳорати ва кўникмаларига талабларни (3-жадвалга қаранг) шунингдек, амалий машғулотлар мавзуларини ўз ичига олади, чунки мазкур фанлар бўйича маъруза машғулотлари кўзда тутилмаган.

3-жадвал

«Рус тили» ишчи дастурига биноан талабаларнинг маҳорат(билим) ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Ҳар бир талабанинг билим даражаси	рус тилини муомала воситаси тарзида билиш (оғзаки ва ёзма шаклда)
	18-20 жумладан иборат умумий мазмундаги матнни эшитиб, тўғри тушуниш;
	12-14 жумладан иборат мутахассисликка оид нотаниш матннинг мазмунини тушуниш;
	эшитган матнидаги энг муҳим ахборотни ажратиш, ўз билимлари асосида тўлдириш, ўз фикрини баён этиб, асослаб бериш ;
	берилган матн асосида оғзаки нутқ тайёрлаш, ушбу мавзуда суҳбат ўтказиш;
	тақриз, фикр-мулоҳаза, аннотация, конспект, реферат тайёрлаш;
	ахборот хабарини (луғатсиз) ва ихтисосликка оид матнларни (луғат билан) рус тилидан она тилига таржима қилиш.
Ҳар бир талабанинг қобилияти	рус тилида умумий тил мавзусида, ўқув ва мутахассислик мавзуларида монолог туза олиш;
	тегишли суҳбатга қўшилиб, тегишлича фикр билдира олиш;
	берилган мавзуда тортишув ва мунозарада қатнашиш;
	кўпчилик ўртасида ўз касби мавзусида маъруза қилиш;
	баён этиш, тасвирлаш, мулоҳаза билдиришни фарқлаш;
	ёзма фикрни имло ва тиниш белгилари қоидаларига амал қилган ҳолда расмийлаштириш.

²⁶ Ўша жойда-Б.5.

²⁷ Ўша жойда – Б.6.

Биз Ўзбекистон тиббиёт ОТМларида рус тилини ўқитиш асос бўладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари таҳлил қилиб, уларда русча тиббий сўзларни, хусусан, атамалар қандай акс эттирилганини ўрганиб чиқдик.

Тиббиёт ОТМларида талабаларга русча тиббий атамаларни ўргатишда тармоқ технологияларининг қўлланилиши тармоқ ахборот маконини яратиш лозим, бу ишга аутентик ўқув материалларини ва дастурий-услубий таъминотни ҳам жалб этдик. Педагогика қуроли (воситаси) сифатида рус тили машғулотларида тармоқ технологияларидан кенг фойдаланилиши ўқув жараёни ўртасидаги ҳамкорликни муваффақиятли мустаҳкамлашга қўмаклашади, унга интерактив тус беради.

Рус тили машғулотларида тиббиётчи талабаларга русча тиббий атамаларни ўргатишда тармоқ технологияларини қўллашдан мақсад тиббиёт атамаларига асосланган касбий муомаланинг коммуникатив вазифаларини ҳал этишда талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва креативлиги учун ахборот муҳитини вужудга келтиришдан иборат.

Тиббиётчи талабаларга русча тиббиёт атамаларини тармоқ технологиялари ёрдамида ўргатишнинг биз қилаётган услуби касбий-тиббий контекстнинг коммуникатив вазиятларида оғзаки ёки ёзма шаклда ифодаланувчи нарса-буюм, ҳодиса, жараён ёки ўзга ҳолатларнинг хислатларини ифодаловчи тиббий атамани авто матн тарзида чақиришнинг пировард натижасига қаратилгандир.

Ўзбек тилли талабалар учун русча атамаларни ўрганиш бирмунча қийинроқ кечади, зеро русча сўзни ишлатишда уларнинг нозик жиҳатлари борки, уларнинг парадигматик-синтагматик мураккаблиги ўзбек тилли талабалар учун қийин туюлади. Бундан ташқари ўзбек ва рус тилларининг грамматик тузилишидаги типологик тафовутлар, иккинчи томондан, ўрганилаётган тиббиёт атамалари ўзбек ва рус тилларида турлича талаффуз қилиниши ҳам қийинчилик туғдиради. Учинчидан, русча тиббий атамаларни ўрганишдаги қийинчилик уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги валентлилик хусусиятлари турлича эканлигидан ҳам келиб чиқади. Ниҳоят, тўртинчидан, таққосланаётган тиллардан бирида атама тузилишидаги полисемантик тафовутларнинг намоён бўлиши ҳам муайян ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин.

Юқорида баён этилган ҳолатлар ўзбек тилли тиббиётчи талабалар русча гапирганда тиббиёт атамаларининг талаффузига бироз таъсир қилиши табиий, бу ҳол таълимнинг махсус самарали услубини яратишни талаб қилади.

Мазкур муаммони таълим жараёнига инновацион ахборот-компьютер технологияларини ўргатиш ва қўллашга асосланган махсус методикани ишлаб чиқиш орқали ҳал этиш мумкин, деб ўйлаймиз. Тиббиётчи талабаларга русча тиббиёт атамаларини ўргатиш методикаси (услубиятини) ўргатиш давомида тил ўқитиш топшириқларида ўрганилаётган атамаларнинг асосий лексик-грамматик хусусиятларини акс эттиришга асосий эътибор берилди.

Тиббиётчи талабаларга русча тиббий атамаларни ўргатишнинг биз таклиф этаётган услубияти қуйидаги услубий бирликларни ўз ичига олади, мазкур услубият таҳлил этилаётган тил ўқитиш материалининг репрезентив лингвометодика табиатини ифодалайди:

1) тиббий атамаларининг аҳамиятини ўзлаштириш машқлари ва топшириқлар;

2) тиббий атамаларнинг талаффузини машқ қилиш ва ёзма шаклларини ўзлаштиришга доир топшириқлар;

3) тиббий атамаларнинг парадигматик-синтагматик хусусиятларини машқ қилиш ва уларни ўрганишга доир топшириқлар;

4) тиббиёт ходимларининг касбий нутқида русча тиббий атамаларни ишлатишдаги услубий хусусиятларни машқ қилиш ва уларни ўзлаштириб олиш ҳақидаги топшириқлар;

5) тиббий атамаларни ишлатишда нутқ маданияти ва тиббий одобга риоя этиш билими, кўникмаси ва маҳоратини ривожлантириш ҳамда маромига етказиш машқлари ва топшириқлари.

Тиббиёт атамаларининг аҳамиятини ўзлаштириш машқлари ва топшириқлари талабаларни атама тарзидаги сўзнинг семантикаси, этимологияси, шунингдек уни ишлатишда кўп учрайдиган коммуникатив вазиятлари билан таништиришга қаратилган.

Тиббиёт атамаларининг талаффузи ва ёзилиш шаклларини ёдда сақлашни машқ қилиш ва топшириқлар бериш уларнинг ёдда сақланиши ва ёзилишини билиб олишга кўмаклашади. Тиббиёт атамаларининг сўз ясаиш хусусиятларини таҳлил қилиш уларнинг мустаҳкам ёдлаб олинишига эмас, мазкур атамаларнинг асосларини семантик мағзини чақиб, уқиб олишга ҳам кўмаклашади.

Тиббий атамаларнинг парадигматик-синтагматик хоссаларини ўрганиш соҳасидаги машқлар ва топшириқлар оғзаки нутқда уларнинг бошқа сўзлар билан алмаштирилиш ёки бирга қўшиб ишлатилиш хусусиятларини ҳам ўргатиш имконини беради.

Русча тиббий атамалар ишлатилишининг тиббиёт ходимлари касбий нутқида ишлатилишидаги услубий хусусиятларини ўрганиш машқлари ва топшириқлари талабаларни касбий муомаланинг турли вазиятларида мазкур атамаларни ишлатиш қоидалари билан таништиради.

Тиббий атамаларни ишлатишда нутқ маданияти ва тиббий одобга риоя этиш билими, кўникмаси ва маҳоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш машқлари ва топшириқлари талабаларни касбдошлари, беморлар, уларнинг қариндошлари ва танишлари билан муомалада уларнинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, сўзлашув вазияти, беморнинг ҳолати ва шу кабиларни ҳисобга олиб сўзлашув ва муомала шаклларида фойдаланишга ўргатади.

Кўриниб турибдики, таклиф қилинаётган машқ ва топшириқлар ҳаммаси биргаликда бўлажак тиббиёт ходимларига русча тиббиёт атамаларини ўргатишга комплекс ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради.

Диссертациянинг “Русча тиббий атамаларни ўргатишда тармоқ технологияларини қўллаш услубиятини ишлаб чиқиш” деб аталган учинчи бобида рус тилидаги тиббиёт атамаларини ўргатишда тармоқ технологияларининг имкониятлари очиб берилган, русча тиббий атамаларни тармоқ технологиялари ёрдамида ўқитиш тамойиллари баён этилган, тиббиёт ОТМлари талабаларига русча тиббиёт атамаларини ўргатишнинг муаллифлик модели тақдим этилган.

Бўлажак тиббиёт ходимларини тайёрлашда ахборот-компьютер технологияларидан фойдаланиш тиббиётчилар касб-кор фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бир қанча муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини беради. Масалан, “бўлажак шифокорларни ўқитишдаги симуляцион ва виртуал технологиялар беморлар соғлигига таҳлика солмай тажриба орттириш имконини беради ва ўқитувчиларнинг доимий назоратини талаб қилмайди. Деярли ҳар бир ОТМда амалий кўникмалар маркази: фантомлар, моделлар, манекенлар, тренажёрлар, роботлар бор”²⁸.

Таълим жараёнида ахборот-компьютер технологиялари талабаларнинг тафаккурини фаоллаштиради, уларда ижодий ёндашувни ривожлантиради, уларни интизомга солади, онлайн-дедлайн режимдаги топшириқлар бажарилишини ўз вақтида назорат қилиш учун масъулият туйғусини оширади.

Рус тилини ўргатишдаги ахборот-компьютер технологиялари таълим жараёнининг самарадорлик даражасини оширишда кенг имкониятлар очади. Бу усул тил ўқитиш материални ўрганишнинг барча соҳаларини (идрок этиш, тушуниш, ўзлаштириш, мустақкамлашни) ўз ичига олади ва:

биринчидан, ахборотнинг чекланмаган оқимига йўл очади;

иккинчидан, ахборот оқимининг улкан захирасини самарали ўзлаштириш имконини беради;

учинчидан, ўқув ахборот материалдан фойдаланиш ва уни етказиб беришни ташкил этиш услубининг хилма-хил йўсинларини тақдим этади;

тўртинчидан, таълим бериш имкониятларидан ташқари таълим жараёни боришини мониторинг қилиш ва олинган билимларни баҳолашнинг туурли воситаларига ҳам эгадир.

Рус тилини ўргатишда ахборот-компьютер технологияларини татбиқ этиш талабалардаги қизиқишни оширади, машғулотлар анча қизиқарли ва бой бўлади, олинган ахборотни қабул қилиш ва ёдда сақлаш самарасини оширади.

Рус тилини ўргатишда қўлланадиган ахборот-компьютер технологиялари жуда хилма-хилдир (4-жадвалга қаранг)

Рус тилини ўргатишда энг кўп тарқалган ахборот-компьютер технологияларининг аппаратлашган воситаси компьютердан иборат бўлиб, программалаштирилган воситалар ўртасида эса, эҳтимол, Интернет глобал тармоғи бойликларининг кенг ўргатувчи имкониятларини ажратиб кўрсатиш лозимдир.

²⁸ Итинсон К.С. Хорижий тиббиёт талабаларига рус тилини ўқитишни ахборотлаштиришуларни тиббиёт муассасаларда клиник амалиётга тайёрлаш учун асос сифатида. Педагогика фанлари номзоди диссертацияси – Курск, 2017.

4-жадвал

Ахборот – компьютер технологияларининг хилма-хиллиги

Аппаратга оид	Компьютер	Ахборотга ишлов бериш универсал мосламаси	Программага оид	Умумий ва аппаратлар (драйверлар ва х. к.) га оид кўрсатмалар	Барча ахборот турлари билан ишлашга имкон беради
	Проектор	аудиовизуал ахборотнинг тақдимоти воситаси		Ахборот манбалари	ихчам дисклардаги комуслар, Интернетнинг сайтлари ва излаш тизимлари
	Телекоммуникацияга оид блоклар	масофавий ўқитиш ва ёзишда йўл берувчи ахборот имкониятларидан фойдаланиш воситаси		Виртуал конструкторлар	Математика, физикага оид кўргазмалар ва рамзий моделлар яратиш воситалари
	Клавиатура ва сичқонча	матнга оид ахборотларни киритиш мосламаси ва экран объектларини манипуляциялаш		Тренажерлар	Ахборот объектлари билан ишнинг автоматлашган кўникмалари ишланмасига йўл берувчи воситалар: матн киритиш, экранда ва б. да. чизма объектларнинг операциялари
	Компьютер бошқарувчи мосламалар	Автоматлашган бошқарув воситалари		Тест-синовлари муҳити	Автоматлаштирилган синовларни конструкциялаш ва қўллашга йўл беради
	Тармоқ	умумийдан глобал фойдаланишга ўтишни таъминлаш воситалари		Мажмуий ўқитишга оид пакетлар (электрон дарсликлар)	Юқорида саналган программалаштирилган воситалар турларининг уйғунлиги
	Аудио-видео воситалар	Аудиовизуал асар (ахборотлар)ни ёзиш ва кўрсатиш воситалари		Бошқарувнинг ахборот тизими	Ўқитиш жараёнида барча иштирокчилараро ахборот оқими етиб боришини таъминлайди
		Тажрибага оид тизимлар	Маълум фан соҳаси масалалари самарали ечимда эксперт-мутахассис фойдаланаётган билимлар, програмлаштирилган тизим		

Интернет-ресурсларининг дидактикага оид потенциали ва уни рус тили машғулотларининг ўқув жараёнларига татбиқ этиш-билимлар, кўникмалар, билиш малакасини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид ўқув масалаларини янада муваффақиятли ҳал этишга ёрдамлашади.

- аудиолаштириш (аутент нутқни рус тилида эшитиб қабул қилиш маҳорати);

- ўқишлар (рус тилли матнлардан ахборот танлаб олиш, уни идрок қилиш ва тушуниш маҳорати);
- ёзувлар, нафақат анъанавий тушунишга оид (қоғоздаги матн хабари), балки эволюцион маънодаги « электрон усулда (масалан, электрон почта ёрдамида), ёхуд SMS воситасида (уяли телефон) орқали юборилган ва ёки яратилган хабар. Мазкур ёзув шунингдек, нафақат матнни ўз ичига олади, балки турли хил мультимедия элементлари масалан, тасвирлар, видео- ва аудиоёзувлар» дан ҳам иборат бўлади²⁹.

Шундай қилиб, Интернет нутқий фаолиятнинг барча: гапириш, аудиолаштириш, ўқишлар, ёзув каби барча турлари буйича рус тилини ўқитишда етарлича дидактик потенциалга эга.

Глобал тармоқда ҳозирги замон рус тилининг барча аспекти ва ўқув фанларига доир тайёр топшириқ (вазифа) ва машқларни кўплаб топиш мумкин. Уларни таҳсил олувчиларнинг ёшига, ўқитиш мақсади ва масалаларига, ўрганаётган мавзусига, тил билиш даражасига, ўқув фанига нисбатан касбий маҳоратининг тўғри йўналгани ва бошқа факторларга мувофиқ танлаш мумкин.

Бундай топшириқ ва машқларнинг анъанавий полиграфик дарсликлар ва рус тили ўқув кўлланмаларининг топшириқ ва машқларидан устунлиги шундаки, улар ўрганиладиган материалнинг мураккаблик даражаси ҳар хиллиги ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади ва ёппасига бутун аудиторияни барабар таъминлайди.

Бундан ташқари, Интернет таркиби тақдим этган, тилга доир ўқув материали ўрганилаётган мавзунинг вазият (ситуатив)-коммуникациявий йўналишга мувофиқ танланиши мумкин.

Турли фанларга доир машғулотларда тармоқ технологияларидан фойдаланишнинг учта даражаси ажратилади:

1-даража: машғулотлар ўқитишнинг анъанавий услуби асосида курилади. Тармоқ технологиялари эпизод тарзида, кам ҳолларда ишлатилади. Тармоқ технологияларини ишлатишдан мақсад: видеолавҳани томоша қилиш, тест-синовларини ўтказиш, тақдимотлар яратиш;

2-даража: машғулотлар ахборот ва тармоқ технологиялари негизида курилади. Тармоқ технологияларидан тўлиқ ва кенг фойдаланилади. Ўқитувчи ва таҳсил кўрувчилараро тармоқ ҳамкорлиги ҳам ахборот кўламида яъни масофавий ҳамда жонли амалга оширилади. Тармоқ технологияларини жалб қилишдан мақсад: муштарак коммуникация масалаларини қарор топтириш;

3-даража: машғулотлар мутлақо тармоқ технологияси: Online тартиби, ёхуд электрон почта, ёки махсус сайтлар асосида курилади. Ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг бевосита алоқада бўлиши кўзда тутилмайди. Тармоқ технологияларини қўллашдан мақсад: масофавий ёки инклюзив таълимдир³⁰.

Олий таълим тиббиёт муассасалари талабаларининг рус тили тиббий атамашунослигини ўқитишда яқка тартибли-алоҳидалаштирилган,

²⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

³⁰ Батафсил: Охота Д.А. Сетевые технологии как средство развития коммуникативных и творческих способностей будущих учителей английского языка // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии: Матер. LVIII междунар. науч.-практ. конф., № 11 (56). – Новосибирск: СибАК, 2015. – Б. 19.

жамоалаштирилган, масофавий ва ўқитишнинг бошқа шакллари татбиқ этиш, шу билан бирга ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда: интегратив, гносеологик, муаммовий-модуллашган, касбий моҳирлик-фаолиятчанлик, коммуникатив ёндашувни амалга ошириш ҳисобига тармоқ технологиялари рус тилини мустақил ўрганиш мотивациясини оширади, талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиради, ўз-ўзини англаш имконини беради ва илмий тадқиқот фаолиятини юритиш малакаси ва билиш маҳоратига асос солади.

Олий таълим тиббиёт муассасалари талабаларининг рус тиббий атамашунослигини тармоқ технологиялари ёрдамида ўқитиш - ўқув жараёнини ташкил этишдан иборат бўлганидек, ўқитиш услубияти, воситаси ва шаклини танлаш ҳам ўзига хос. Бизнинг тавсиямиздаги текширилаётган атамашунослик ўқув услубияти ўқитиш - тилга оид топшириқлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган ва умумамалий ҳамда услубият тамойилларига амал қилади.

1. Ўқув - тил материали ишланмасини белгиловчи тармоқ технологиялари ёрдамида рус тиббий атамашунослигини ўқитиш тамойиллари: коммуникатив йўналиш тамойили, касбий йўналганлик тамойили, нутқ фаолиятининг барча турларини ўзаро боғлиқ ўқитиш тамойили, осон тушуниш тамойили, мажмуавийлик тамойили, тизимлилик тамойили, тадрижийлик тамойили, функционаллик тамойили, илмийлик тамойили, топшириқлар қийинлиги ва ҳажмини босқичма-босқич мураккаблаштириш тамойили, ўқув материални вазиятларга оид – ситуатив-тематик тарзда ташкил этиш тамойили, она тили таъсирини ҳисобга олиш тамойили.

2. Талаба – тиббий ходим фаолиятини белгиловчи тармоқ технологиялари ёрдамида рус тиббий атамашунослигини ўқитиш тамойиллари: субъективлик тамойили, онглилик ва билим орттириш фаоллиги тамойили, табақалаштиришга ёндашув тамойили, мустаҳкам ўзлаштириш тамойили, субъектларнинг ўқув жараёнида АКТ– билимга моҳирлик тамойили, ҳамкорлик тамойили, интерфаоллик тамойили.

3. Тармоқ технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этишни белгиловчи, рус тиббий атамашунослигини ўқитиш тамойиллари: бавосита ифодалаш тамойили, ўқув вазифаларини андозалаштириш тамойили, вариациялилик тамойили, таҳсил олувчилар ўқув фаолияти бошқарувида кўп даражалилик тамойили, бошқа тизимлар ва модуларга боғланишда очиқлик тизими тамойили, эргономиклик тамойили, якка тартибли ўқитиш тамойили, кўрғазмалилик тамойили, жадаллик тамойили, тармоқ имкониятлари ва ўқув воситаларини интеграллаш тамойили, керагидан ортиқлик тамойили, оптималлаштириш тамойили.

Олий таълим тиббиёт муассасалари талабаларига тиббий атамашунослигини рус тили дарсларида тармоқ технологиялари ёрдамида муваффақиятли ўргатиш учун биз ўқитишнинг илмий асосланган методик тизим моделини яратдик. Уни амалга ошириш аниқ педагогик шароитларни юзага келтириш ва ҳимоялашга боғлиқ.

Бўлажак тиббиёт ходимларининг рус тиббий атамашунослигини тармоқли ўқитиш борасида биз ишлаб чиққан андоза (модел)нинг умумий тавсифномаси қуйидаги чизмада тақдим этилди. (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак тиббийёт ходимларининг рус тиббий атамашунослигини тармоқли ўқитиш борасида биз ишлаб чиққан андоза (модел)нинг умумий тавсифномаси

Рус тиббий атамашунослигини ўрганишда тармоқ технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги қатор факторларга боғлиқ. Улар, анъанавий услубият билан ўқитиш жараёнида, муваффақиятни таъминлаш факторларидан ўзига хос қуйидаги белгилари орқали ажралиб туради:

- 1) таҳсил олувчининг максимал фаоллигини таъминлашга

қаратилганлик;

2) таҳсил олувчи ўқитишнинг маълум бир параметрларини ўзи танлашини

3) таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси тиббий олий таълим муассасаларида рус тиббий атамашунослигини тармоқли технологиялар воситасида ўқитишнинг биз тавсия этган методик тизим андозамиз, моделимизнинг уч педагогик компонентини ташкил этирувчи, педагогик шарт- шароитларни таркибига олган:

1) ташкилий педагогик компонент;

2) психология-педагогикага оид компонент;

3) дидактик компонент.

Рус тиббий атамашунослигини ўқитишда тармоқли технологияларни қўллаш унумдорлиги тўғридан тўғри ўргатилаётган электрон материални саводли танлаш ёки ишлаб чиқишга боғлиқ. У қуйидаги мезонларга мувофиқлашган бўлиши шарт:

1) материал машғулот мавзусига мос ҳамда вазифавий бўлиши, талабалар учун долзарб муаммоларни ёритиши, янгилик белгиларига эга, шунингдек, уларнинг манфаат ва қизиқишларига дахлдор бўлиши керак;

2) материал талабаларнинг коммуникатив компетенциялари, унинг бутун кўринишларини:

- тил (фонетик, грамматик, лексик) компетенцияларини ва нутққа оид (аудиолаштириш, ўқишлар, сўзлашув ва ёзув) компетенцияларини мужассамлаштирган лингвистик компетенцияни;

- ижтимоий лингвистик компетенцияни (шу жумладан ижтимоий маданий компетенцияни ҳам);

- прагматик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш учун катта дидактик потенциалга эга бўлиши зарур.

2) тадқиқот матнлари бўлажак тиббий ходим профессионал фаолиятига оид асосий коммуникатив вазиятларни эгаллаган, мавзулаштирилган бўлиши керак;

3) ўрганилаётган материал талаба – тиббий ходимлар коммуникатив компетенцияларини шакллантиришга имкон яратиши билан бирга, таҳсил олувчиларнинг умумпрофессионал компетенцияларини шакллантириши ва ошириши, илмий-ижодий қобилиятларини ўстириши керак;

4) материал муаммоликни ташишга хос ва талабаларнинг билим орттириш фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши зарур;

5) электрон материал нафақат ўқитиш мақсадларига, балки таҳсил олувчиларда шифокор илмий этикасини шакллантиришга, ўз беморларига нисбатан инсонпарварлик – ахлоқий муносабатни, касбига чексиз меҳр-муҳаббат руҳини тарбиялашга хизмат қилиши шарт.

Талаба – тиббий ходимлар рус тиббий атамашунослигини ўргатишда, ўқитиш кўламини кенгайтиришда, фикримизча, қуйидаги тармоқли хизматлар воситалари ва технологиялари ҳисобига шакллантириш мақсадга мувофиқ:

- электрон қути (почта) : электрон қути орқали электрон хатларни жўнатиш ва қабул қилиш технологиялари;
- булут технологиялари:” фойдаланувчига ўз мақсад, вазифа, лойиҳаларини амалга ошириш учун интернет – хизмат сифатида бериладиган аппаратга оид турли дастурий воситалар, услубиятлар ва асбоб-ускуналар”³¹
- ижтимоий тармоқлар: жумладан улардаги чатлар, форумлар, шарҳлар);
- лойиҳалаш тармоқлари: ихтисослашиш доирасида масалаларни ҳал этиш учун лойиҳалаштириш жамоасини ташкил қилиш;
- вэб –квест: ролли ўйинлар олиб боришда, муаммоли масалаларни бажариш учун белгиланган, тармоқ кўламларининг ахборот ресурс имкониятлари;
- блоглар: оммавий муҳокамага мўлжалланган электрон кундаликлар;
- вэб- сайтлар: вэб-саҳифалар мажмуи, ташкил этилган тизимли электрон ҳужжатлар;
- телеконференциялар: телекоммуникация каналлари орқали узоқ масофадан аудио ва видео кенгаш;
- мобил иловалар: уяли мосламалар иши учун мўлжалланган дастурий таъминот;
- электрон кутубхоналар: электрон ҳужжатлар мажмуи, улардан навигацияга оид ва қидирув воситалари ва б. лар ёрдамида фойдаланиш амалга оширилади.

Рус тили тиббий атамашунослигини вэб – квест кўринишида ўрганиш бўйича муаммоли топшириқлар ишланмаси тиббий олийгоҳ талабаларига ўқув ахборотини самарали ўзлаштиришда қўл келади. Талабаларга, ролли ўйин қоидаларига амал қилиб, вэб-квест гиперҳаволаси орқали, ўқитувчи танлаган Интернет ўқув материалларига кириш ва: махсус, яккатартибли ёки гуруҳбоп топшириқларни бажариш - ҳам билимларини орттиради, ҳам қизиқарлидир. Ҳисобот беришнинг турли шакли талаба ўзини англашига хизмат қилади.

Электрон кутубхоналар тил ўқитиш амалиётига аллақачон мустаҳкам кириб борди. Тиббий атамашуносликни ўқитиш ишлари тиббий олий ўқув юртларининг ҳар бир рус тили машғулотларида амалга оширилади. Дарсларни тайёрлаш, ташкил қилиш ва ўтказишда электрон кутубхоналарнинг аҳамиятини инкор этиб булмайди. Электрон кутубхоналардан тиббий атамаларни ўқитишнинг ҳар хил босқичларида: танишув, семантикага учраш, татбиқ этиш кўникмаларини ишлаб чиқиш ва автоматлаштириш, мустаҳкамлаш, алоқачи нутқда фойдаланиш мумкин. Айниқса, тиббий атамаларнинг маъноси ва этимологиясини талқин қилишда электрон луғатлар муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг тўртинчи боби: **«Талабаларнинг русча тиббий атамаларни тармоқли технологиялар воситасида ўзлаштириш динамикаси»**да тармоқли технологиялар ёрдамида талаба-тиббий ходимларда рус тиббий атамашунослигини эгаллашни такомиллаштириш

³¹ <https://sonikelf.ru/oblachnye-texnologii-dlya-zemnyx-polzovatelej/>

бўйича “экспериментал ўқитиш” олиб боришнинг мақсад ва вазифалари аниқланади.

Ўқитиш тажрибасини ўтказишдан асосий мақсад – бўлажак тиббиёт ходимларининг ўз русча нутқларида тиббий атамашуносликдан тўғри ва ўринли фойдаланиш билим ва маҳоратларини оширишда, биз ишлаб чиққан тизимнинг таъсир даражасини аниқлаш бўлди.

Тажриба қилинган ўқув тизимининг мақсади – тиббий олий таълим муассасалари талабаларининг, рус тилида тиббий атамашунослик одобли қўлланган, коммуникация малакаларини ва қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тиббий олий таълим муассасалари талабаларининг рус тиббий атамашунослигини тажрибага оид тармоқли ўқитиш қуйидаги электрон имкониятларга таянган, масалан: <http://rusgram.narod.ru>, <http://www.gramota.ru>, <http://www.ruscopora.ru>, http://teneta.rinet.ru/rus/rj_ogl.htm, <http://www.rusjaz.da.ru>, <http://www.grammar.ru>, <http://pushkin.edu.ru>, <http://www.ruslang.ru>, <http://www.ropryal.ru>, <http://www.slovari.ru>, <http://philology.ru/>, <http://linguistic.ru>, <http://dialog-21.ru>, <http://www.lingvo.ru>, <http://lib.ru>, <https://uchi.ru>, <https://lecta.rosuchebnik.ru>, <http://audiokniga-onlajn.ru> ва бошқа ўзбек платформасига доир: <https://natlib.uz>, <https://UzMedLib.uz>, <https://med.uz>, <https://msu.uz>, <https://Library.ziyonet.uz>, <https://farmi.uz>, <https://infolib.uz>, <https://turonlib.uz>, <https://tashpmi.uz>, <https://rsml.med.uz>, <https://tsdi.uz>. Рус тилига доир кўрсатилган имкониятлардан ташқари, шунингдек, тиббиёт буйича рус тилидаги электрон тармоқ манбалари кенг қўлланган, масалан: <http://www.medmir.com>, <http://medlib.ru>, <http://www.medvuz.ru>, <http://mewo.ru>, <http://www.ncbi.nlm.nih.gov/PubMed>, <http://www.mega.km.ru/health>, http://itmedical.ru/index.php?option=com_mtree&Itemid=33, <http://www.medtext.ru/pafiledb/index.php> ва б.

Қайд этилган кесма ўтказишдан мақсад - тиббий олий таълим муассасалари талабаларининг рус тиббий атамашунослигини билиш даражаларини ва текширилган муаммони ўрганишдаги келтириб чиқараётган қийинчиликларини аниқлаш бўлди.

Талаба-тиббий ходимлар рус тиббий атамашунослигини билиш даражаларини аниқлашда, тиббий атамаларнинг лексик-грамматик таҳлили ва нутқда уларни ўзига хос ишлатилишига боғлиқ, рус тили дарсликлари ва ўқув қўлланмаларидан, ўқув-тилга оид топшириқлар танланди.

Педагогик тажриба нинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ўқув жараёнини тайёрлаш ва ўтказиш амалга оширилди. У анъанавий машғулотлардан фарқли ҳолда, тиббий атамаларни тармоқ технологиялари ёрдамида мажмуий ўқитишга қаратилган. Глобал тармоқнинг дидактик имкониятлари тизимли тарзда, рус тиббий атамашунослигининг лингвистик ва нутқий ўзига хослигини тўлиқ қамраган ҳолда, жой-жойига қўйилди.

Танланган топшириқлар ва машқлар тиббий атамаларни тўғри талаффуз қилиш ва урғуни тўғри қўйишни ўргатишни, уларнинг семантикасини эгаллашни, уларнинг гапда бошқа сўзларга бириккан ҳолда ишлатилишининг грамматик қоидаларини, сўз яшаш (тиббиёт лексикаси соҳаси учун

характерли ясашиш: от туркумини, ҳаракат отларини ва б. – тиббий атамалардан сифатларни, ва б.)нинг яшаш қоидаларини, бирикмаларнинг ўринлилиги, матнга ва нутқ маданиятининг мулоқот – сўзлашув вазиятига мос келиши қоидаларини ўргатишни мақсад қилган.

Ўқитиш – Веб 2.0 тармоқ хизматлари асосига қурилди. Уларнинг, фикримизча, турли инновацион педагогик технологияларни ўқитишнинг анъанавий методларига қўшиб, биргаликда ишлатилиши оптимал ҳисобланади. Веб 2.0 ижтимоий тармоқ хизматлари контентни тўлдириш, уларни ўзаро алмаштириш, таҳрир қилиш, таснифлаш, янгилаш, сақлаш, берилган маълумотларни тарқатиш, ижтимоий алоқани ўрнатиш, жамоа бўлиб ишлаш шакллари ташкил этиш, лойиҳаларни бажариш, маҳсулотлар яратиш ва қўплаб б. ларга имкон яратади.

Тажрибага оид ўқитишда, тармоқ технологиялардан фойдаланиш – Веб 2.0 тармоқ хизматларини татбиқ этилган ҳолда, ўқув фаолиятининг ҳар хил кўринишини ташкиллаштириш ва ўтказишга қаратилди.

Тажрибага оид (экспериментал) ўқитиш тугатилгач, биз якуний кесмани ўтказдик. Талабалар, қайд этилган кесмада бўлгани каби, шунингдек, якуний кесмада ҳам, қуйидаги муаммоларни ўзида мужассамлаштирган, тавсия этилган қатор топшириқларни бажаришлари лозим эди. Улар:

- 1) тиббий атамаларнинг семантик аспекти;
- 2) тиббий атамаларнинг тўғри талаффузи ва имлоси қоидалари;
- 3) тиббий атамалар грамматикасининг ўзига хослиги;
- 4) касбий нутқ фаолиятига тиббий атамаларни татбиқ этишнинг услубий хусусиятлари;
- 5) шифокорлик амалиётида, тиббий атамаларни тўғри ишлатишдаги нутқ этикети ва нутқ маданияти кабиларни ташкиллаштириш ва ўтказишга қаратилган.

Тажрибанинг сўнгги (якуний) босқичида, тажрибига оид ўқитиш гуруҳи талабаларининг барчаси учун, компьютер тест-синовидан ўтишнинг бир хил шарт шароитлари яратилди. Уяли телефон ва бошқа электрон гаджетлар, сумкалар, китоблар, дафтарлар ва б. буюмлар тест синовлари бошланишидан аввал олиб қўйилди.

Тест синовларини ўтказишдан аввал, компьютер мосламаси ва тармоққа уланиш сифати ахборот технологиялари кафедраси мутахассислари тарафидан текширилди. Якуний кесма ўтказилаётган компьютер хоналарида тест-синовини топшираётган талабалар, имтиҳон олувчилар, кузатувчилар ва маслаҳатчи – информатиклардан ташқари, бошқа бегона шахслар бўлмаган.

Рус тиббий атамашунослигини анъанавий усулда ва биз ишлаб чиққан тармоқ технологияларини қўллаш воситасида ўқитиш методикамиз ёрдамида эгаллашнинг фарқи. Якуний кесма буйича назорат ва тажриба ўтказилган: назорат ва тажриба (экспериментал) гуруҳларидан олинган маълумот таҳлили абсолют рақамлар ва фоизларда ўтказилди. Ушбу икки гуруҳ тақдим этган маълумотлардаги миқдорий-фоиз муносабати, тажриба гуруҳларининг тўғри жавоблар кўрсаткичлари назорат гуруҳлари талабалариникидан юқори чиққанини намоиш қилди.қ. [5,6-жадваллар].

5-жадвал

Назорат гуруҳларининг якуний кесма натижалари

ОТМ номи	ТМА (n=72)		БухМИ (n=47)		СамМИ (n=46)		Ург.фил. ТМА (n=57)		АндМИ (n=41)		Жами (n=263)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Баҳо												
5(аъло)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
4 (яхши)	28	38,9	17	36,2	16	34,8	20	35,1	14	34,1	95	36,1
3 (қоникарли)	41	56,9	28	59,6	28	60,9	34	59,6	24	58,5	155	58,9
2 (қоникарсиз)	3	4,2	2	4,3	2	4,3	3	5,3	3	7,3	13	4,9


6- жадвал

Тажриба гуруҳларининг якуний кесма натижалари

ОТМ номи	ТМА (n=78)		БухМИ (n=53)		СамМИ (n=48)		Ург.фил. ТМА (n=58)		АндМИ (n=45)		Жами (n=282)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Баҳо												
5(аъло)	4	5,1	2	3,8	3	6,3	2	3,4	2	4,4	13	4,6
4 (яхши)	35	44,9	23	43,4	21	43,8	26	44,8	20	44,4	125	44,3
3 (қоникарли)	37	47,4	26	49,1	22	45,8	28	48,3	22	48,9	135	47,9
2 (қоникарсиз)	2	2,6	2	3,8	2	4,2	2	3,4	1	2,2	9	3,2

Тажриба (экспериментал) гуруҳлари талабаларининг тўғри жавоблари кўрсаткичлари назорат гуруҳлариникига нисбатан юқори экани, биз ишлаб чиққан, тиббий олий таълим муассасалари талабаларига рус тили тиббий атамашунослигини тармоқ технологиялари асосида ўқитиш методикамининг самарадорлигидан далолат беради.

Назорат ва тажриба (экспериментал) гуруҳларининг якуний кесими ва тасдиқланган кесим маълумотлари кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни аниқлаш имконини бердики, рус тиббий атамашунослиги билимлари даражаси, бизнинг махсус ишлаб чиққан методикамиз буйича ўқитилган экспериментал гуруҳларда – 15.3% кўтарилган бир вақтда, назорат гуруҳлари кўрсаткичлари- 3.9% га ортган. (2- расмга қаранг)



2-расм. Талабаларнинг қайд этилган (аниқланган) ва якуний кесим (кесма) лардаги тиббий терминология эгаллаш кўрсаткичларининг динамикаси

Шундай қилиб, юқорида айтилганлардан маълум бўлишича, олий таълим тиббий муассасалари талабаларига рус тиббий атамаларини тармоқ технологиялари асосида ўқитиш бўйича ишлаб чиққан методикамиз самарадордир.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон тиббиёт олий таълим муассасаларида она тили бўлмаган рус тилини касбга йўналтирилган тарзда ўқитиш муаммолари бўлажак мутахассиснинг тил мукамаллигини шакллантириш; тиббиётчи талабанинг рус тилидаги касбий билимдонлигини таъминлаш; рус тилини касбга йўналтирилган тарзда ўрганишни дидактик асосда таъминлаш; рус тили курсини тиббиётчи талабаларнинг ихтисослик бўйича ўқув фанлари билан боғлаш Ўзбекистонда рус тилини касбга мувофиқ ўқитишни ижтимоий-маданий соҳага мослаб олиб бориш мақсадини кўзлаб ҳал этилмоқда.

2. Махсус танлаб олинган тил материали асосида рус тилини ўқитиш мундарижаси, усуллари ва воситалари таълимнинг дидактик мақсад ва вазифалари билан, ўргатилаётган тил материалининг ўзига хослиги, таълим босқичи ва тиббиётчи талабалар ақлий билимдонлик қобилиятлари ҳамда ўқитувчининг тил ўргатувчилик салоҳияти билан белгиланади.

3. Дунёдаги тиллар манзарасини тасаввур этишга кўмаклашадиган ва тўла-тўқис ахборот бера оладиган тиббиёт атамалари кўп миллатли талабалар гуруҳларида рус тилини ўқитиш учун катта қийинчиликларга сабаб бўлади, чунки атама устида ишлаш: 1) мазмун маъносини билдирувчи атаманинг моҳияти, экстралингвистик тушунчасини; 2) нутқ фаолиятида атамани ишлатиш қоидалари билан боғлиқ лингвистик меъёрий хислатларни билишни талаб қилади.

4. “Рус тили” ўқув дастурида тавсия этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур нашрларнинг хизмати бой амалий материал мавжудлигидан иборат. Аммо уларда ҳам тиббиёт атамаларини ўргатиш тўлиқ эмас, асосан ўқув фанининг аҳамиятини тушунтириш, жумладаги сўзларни қовуштириш, сўз яшаш ва уларни бири-бирига боғлашдаги нарига ўтмаяпти.

5. Рус тили машғулотларида тиббиётчи талабаларга русча тиббиёт атамаларини ўргатишда тармоқ технологияларидан фойдаланишнинг мақсади – тиббий атамалар воситасида касбий мулоқотдаги муомала вазифаларини ҳал этишда ўз маълумоти ва билимдонлигини намоиш этишдан иборат.

6. Тиббиётчи талабаларга русча тиббий атамаларни ўргатишнинг биз тавсия этаётган услуби бўлажак тиббиёт ходимларига рус тилидаги тиббий атамаларнинг оғзаки сўзлашувдаги хусусиятларини: ўрганилаётган тиббиёт атамалари лексик маъносини, атамалар воситасида айтилган фикрнинг тиббий тушунчасини; тиббий атамалардан сўз яшашнинг ўзига хос хусусиятларини; таҳлил этилаётган атамаларнинг бошқа сўзлар билан бирга ишлатилиш қоидаларини; тиббий атамалар этимологиясини; атамаларнинг матн тузишдаги хусусиятларини; беморлар билан муомалада шифокорнинг тиббий атамалардан фойдаланишдаги услубий хусусиятларини; тиббий атамаларни ишлатишда нутқ маданияти ва тиббий одоб қоидаларини ўргатади.

7. Рус тили машғулотларида электрон ресурслардан фойдаланишнинг бир қатор афзалликлари бор. Рус тилини ўқитишда ахборот-компьютер технологиялари таълим жараёнлари смарадорлиги савиясини оширишда кенг имкониятлар очади. Улар тил машғулотлари материалларини ўрганишнинг барча жиҳатларини (идрок этиш, тушуниш, ўзлаштириш ва ёдлаш)ни қамраб олади ва шу хусусиятлари билан диққатга сазовордирки, биринчидан – чекланмаган ахборот оқимидан фойдаланиш имконини очади; иккинчидан – катта ҳажмдаги ахборот оқимини самарали қайта ишлаш имконини беради; учинчидан – таълим ахборот материалларини услубий ташкил этиш ва ўргатишнинг турли-туман вариантларига йўл очади, тўртинчидан – таълим бериш имкониятларидан ташқари таълим жараёнининг бори ва олинган билимларни баҳолашни мониторинг қилишнинг турли воситаларига ҳам эга бўлади.

8. Хорижий талабаларга рус тилини ўқитишнинг тармоқ технологияларидан фойдаланиш қўйидаги имкониятларни беради: хорижий талабаларнинг билимдонлик фаолиятини кучайтиради; талабаларда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ўз билиминини ошириш кўникмаларини ривожлантиради; ОТМдаги машғулотларда хорижий талабаларнинг рус тилидаги мулоқотга ва касбий фаолиятга тайёрланиш сифатини оширади; предметга ва умуман рус тилига қизиқишни

кучайтиради; ахборотлаштириш воситалари ёрдамида таълим мақсадлари ва вазифаларига эришишга кўмаклашади.

9. Тармоқ технологияси педагогика фаолияти учун қуйидаги имкониятларни очади: ошкора, пулсиз ва эркин электрон ресурсларни; мустақил тармоқ ўқув мазмунини яратишни; ахборот билимлари ва кўникмаларини ўзлаштиришни; ҳамжамият(уюшма) қатнашчиларининг фаолиятини кузатиб боришни; бизга илгари имкон бўлмаган феноменларни кузатиб туриш ва ўрганиш учун ўқув шароитини яратиш имконини беради.

10. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига тармоқ технологиялари ёрдамида русча тиббиёт атамаларини ўргатиш учун умумдидактик ва услубий принципларгаасосланади, улар таълим жараёни ташкил этишнинг қайси жиҳатини белгилашига қараб уч гураҳга бирлаштирилади, бу гуруҳлар тил таълимини ишлаб чиқиш принциплариталабалар таълим фаолиятининг ташикл этилиш принциплари; русча тиббиёт атамаларини тармоқ технологиялари ёрдамида ўқитиш жараёнини ташкил қилиш принципларидан иборат.

11. Тиббиёт ОТМ талабаларига тармоқ технологиялари ёрдамида русча тиббиёт атамаларини ўргатишнинг услубий тизими модели мавжуд бўлиб, у тиббиёт талабаларига русча тиббиёт атамаларини ўргатишга қўйилган таълим-тарбия мақсадларига ва тармоқ технологиялари воситасидаги натижалар самарадорлигига эришишни таъминловчи пелагогик жараённинг белгиланган компонентлари(таркибий қисмлари) мажмуасини ташкил этувчи аниқ мақсадли комплексдан иборат.

12. Тиббиёт талабаларига тармоқ технологиялари воситасида русча тиббий атамаларни ўргатишнинг биз ишлаб чиққан модели ўз ичига: ташкилий-педагогик компонент (таълим жараёнини бошқариш аспекти) ни; рухий-педагогик компонент (таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро муомаласи аспекти)ни; дидактик компонент(таълим вазифаларини амалга ошириш усуллари аспекти)ни ўз ичига олади.

13. Тиббиёт ОТМлари талабаларига русча тиббий атамаларни тармоқ технологиялари воситасида ўргатиш таълим жараёнини ташкил этиш соҳасида ҳам, таълим усуллари, воситалари ва шакллари танлашда ҳам ўз хусусиятларига эгадир. Интернет технологиялар таълим муассасасининг анъанавий ўқув жараёнига босқичма-босқич кириб боради ва аста-секин унинг таркибий қисмига айлана боради.

14. Тиббиёт талабаларини ўқитишда электрон ресурслардан фойдаланиш талабалар билимининг сифатини оширади, ўзини ўзи назорат қилиш ва билимларни мустақил эгаллаш кўникмалари шаклланишига кўмак беради ҳамда олган билимларини келгуси касбий фаолиятида амалий қўллашига имконият яратади.

15. Олий тиббий таълим муассасаларидаги талабаларга русча тиббиёт атамаларини тармоқ технологиялари ёрдамида ўқитиш ўқитувчига:

талабаларнинг билиш фаолиятини кучайтириш, уларни таълим олишга кучлироқ қизиқтириш; билимдонлик билан ёндашиш қобилиятини ошириш; талабаларнинг атамалар ва ўқув материални ўзлаштириш жараёнида машқ қилиш; талабалар фаолиятини аниқлаб, назорат қилиш; ўқув-методика ресурсини жойлаштириш ёки яратиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

АБДУЛЛАЕВА РОЗАННА МИРЗАТУЛЛАЕВНА

**СЕТЕВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ
СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (русский язык)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора педагогических наук (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.Dsc/Ped200.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.uzswlu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz.)

Научный консультант:

Бакиева Гуландом Хисомовна
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадирова Фатима Рашидовна
доктор педагогических наук, профессор

Асилова Гулшан Асадовна
доктор педагогических наук, профессор

Бакиров Поян Уролович
доктор филологических наук

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится « 17 » декабря 2021 года в 12.30 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована № 29). (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92.)

Автореферат диссертации разослан « 6 » декабря 2021 года.

(Реестр протокола рассылки № 29 от « 6 » декабря 2021 года).



Д. У. Хошимова
Чл.о. председателя Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.пед.н., профессор

Х.Б. Самигова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,
доцент

Л.Т. Ахмедова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.пед.н., профессор

М. А.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Стремительное развитие процесса интеграции в науке и промышленности в современной глобальной информационной эпохе увеличивает потребность в профессиональном общении на иностранном языке представителей различных сфер. Все большее значение приобретают вопросы специализации иностранных языков в ведущих университетах мира, развития профессиональных и коммуникативных компетенций на иностранных языках, в частности, развития профессиональных навыков будущих медицинских работников на иностранных языках.

В современном мировом сообществе научные исследования направлены на повышение качества и эффективности преподавания терминологии на основе сетевых технологий, в частности, применение информационно-коммуникационных технологий в учебном процессе при развитии профессиональных компетенций медицинского персонала на иностранных языках. Необходимо совершенствование и научная отработка технологии диагностики уровня развития владения иностранным языком у педагогов в части развития профессиональной коммуникативной компетентности медицинских работников при обучении иностранным языкам, педагогических и психологических аспектов инновационного процесса в контексте глобализация.

В последние годы в республике проводится планомерная работа по реформированию системы среднего и высшего медицинского образования, дальнейшей оптимизации учебных планов, программ, учебных материалов и теоретической подготовки и приведения их в соответствие с мировыми достижениями медицинской практики. Создание необходимых материально-технических условий для развития профессиональной компетенции студентов медицинских вузов на иностранных языках, в результате чего приоритетными были определены «развитие широкого кругозора, интеллектуального потенциала студентов, творческого и аналитического мышления, формирование прочных знаний в области естественных и точных наук, иностранных языков и современных информационных технологий».¹ Это требует развития знаний, навыков и компетенций будущего медицинского персонала на иностранном языке, в частности, на русском, фактического чтения информации в этой области, знания терминов и их использовании в профессиональной сфере.

Диссертационное исследование направлено на реализацию задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года; Постановление № ПФ-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 28 июня 2019 г. № ПП-4375 «О дополнительных мерах по воспитанию подростков в духе военного патриотизма и совершенствованию системы подготовки кадров для Вооруженных Сил и государственной службы Республики Узбекистан». . "

Узбекистан до 2030 года». ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года; ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года; УП №-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, УП №6155 03.02.2021 О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения», УП №5117 от 19 мая 2021 года ««О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан», а также в других принятых в сфере образования нормативных документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике – 1. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.² Проблемы обучения профессиональной медицинской речи в нефилологических вузах исследуются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: University of Birmingham (Великобритания), Johns Hopkins University School of Medicine (США), Poznan University of Medical Sciences (Польша), Московской медицинской академии им. Сеченова (Россия), Государственном институте русского языка им. А.С.Пушкина (Россия), Российском университете дружбы народов (Россия), Санкт-Петербургском государственном университете (Россия), Башкирском государственном медицинском университете (Россия), Новосибирском государственном медицинском университете Росздрава (Россия), Гродненском государственном медицинском университете (Белоруссия), Национальном фармацевтическом университете (Украина), Ташкентской медицинской академии (Узбекистан) и др.

В результате научных исследований, осуществленных по проблемам обучения медицинской терминологии на изучаемом неродном языке студентов-медиков, получены научные результаты, в том числе: разработаны рекомендации по сертификации медицинских знаний и языка специальности (Johns Hopkins University School of Medicine), обоснован интегрированный подход к обучению иностранному языку как языку специальности медиков (University of Birmingham), (Poznan University of Medical Sciences), разработано

² Обзор зарубежных исследований по теме диссертации www.pushkin.institute, www.vub.ac.be, www.upf.edu/en/home, www.ralk.info, www.msu.ru, www.ugr.es / [en, www.mq.edu.au/](http://www.mq.edu.au/), www.uni-konstanz.de/en/, www.uzswlu.uz/, www.universityofcalifornia.edu и другие источники.

методическое обеспечение обучения иноязычному профессиональному общению студентов-медиков на основе комплексного коммуникативно-деятельностного подхода (Государственный институт русского языка им. А.С.Пушкина), разработаны теоретические основы создания переводного (двуязычного) медицинского словаря (Московская медицинская академия им. Сеченова), учебного ассоциативного словаря медицинской терминологии (Российский университет дружбы народов), разработаны основы обучения семантизации профессионально-ориентированной иноязычной лексики студентов медицинских вузов (Санкт-Петербургский государственный университет), раскрыта структура «языковой личности» будущего врача (Башкирский государственный медицинский университет), разработаны современные стратегии обучения языку специальности в вузе медицинского профиля для студентов-иностранцев (Новосибирский государственный медицинский университет Росздрава), оптимизирован процесс обучения медицинской терминологии студентов-медиков (Гродненский государственный медицинский университет), раскрыты словообразовательные модели медицинской терминологии как предмет обучения иностранных студентов, изучающих русский язык в медицинских вузах (Национальный фармацевтический университет), создан электронный учебник по русскому языку для студентов-медиков (Ташкентская медицинская академия).

В настоящее время в мировой лингводидактике и методике обучения иностранным (неродным) языкам по изучению проблем обучения медицинской терминологии студентов-медиков продолжают осуществляться научные исследования по таким приоритетным направлениям, как обоснование медицинской терминологии как макротерминосистемы; рассмотрение ее в рамках динамической теории номинации; различные методические приемы семантизации медицинских терминов; разработка методик обучения медицинской терминологии как языку специальности; нейтрализация языковых трудностей при обучении профессиональной медицинской речи в нефилологических вузах; модернизация технологий ее обучения; создание нового поколения учебно-методической литературы; и т.д.

Степень изученности проблемы. Основой методики обучения русской медицинской терминологии послужили положения, изложенные в трудах таких ученых, как Е.И. Пассов, И.Л. Бим, Р.П. Мильруд. Основы методики обучения русского языка в узбекоговорящей аудитории представлены в трудах Ахмедовой Л.Т.³, Лагай Е.А., Андрияновой В.И.⁴, Бакиевой Г.Х.⁵, Джусупова М.Д.⁶, Нурмановой А.Т.⁷, методика применения современных

³ Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2016. – 296 с.

⁴ Андриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устноречевому общению на русском языке: Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 1997. – 350 с.

⁵ Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консонантизма): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1987. – 24 с.

⁶ Джусупов М.Д. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Ташкент: Фан, 1991. – 240 с.

⁷ Нурманов А. Интегративные технологии в процессе подготовки студентов к эффективному общению. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(63). извлечено от https://science.iedu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6257 (2020)

технологий в трудах Голиш Л.В.⁸, Джураева Р.Х.⁹, Ишмухамедова Р.¹⁰, вопросы применения полученных знаний на практике рассмотрены в трудах Жалолова Ж.Ж.¹¹, Муслимова Н.А.¹², Усмонбоевой М.¹³, инновационные методы преподавания и вопросы педагогического мастерства у Азизходжаевой Н.Н.¹⁴, Сайдахмедова Н.С.¹⁵. Лингводидактические и методические проблемы обучения профессиональной медицинской речи в нефилологических вузах освещены в трудах таких ученых, как Балыхина Т.М., Гапочка И.К., Куриленко В.Б., Мотина Е.И., Борисенков В.П., Акишина А.А., Вишняков С.А., Дейкина А.Д., Дьякова В.Н. и др.

Исследования по обучению медицинской терминологии неродного языка в медицинских вузах посвящены изучению вопросов формирования профессиональной компетентности будущих медиков, методического обеспечения, а также моделирования профессиональной речи.

Так, работы Д.Д. Дмитриевой, О.Л. Королевой, Е.В. Орловой, Е.Е. Орловой и др. характеризуются применением профессионально-ориентированного подхода к обучению русскому языку в медицинских высших образовательных учреждениях. Вопрос об интеграции инновационных технологий в процесс обучения иностранному языку будущих медиков затрагивается в трудах О.А. Гаврилюк, Г.В. Юрчук, Е.О. Петровой, Е.В. Смирнова и др.

В работах Э.Г. Азимова, М.А. Бовтенко, Л.К. Гейхман, Л.А. Дунаевой, Е.И. Дмитриевой, О.П. Крюковой, А.Л. Назаренко, Е.С. Полат, О.И. Руденко-Моргун, Д. Сьюзел, Д. Ротерей и др. рассмотрена теория и практика создания и использования дистанционных средств и технологий обучения иностранному языку.

